



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI FARMOYISHI**

2022 - yil 19 - may

160-3-0-F/22

Jizzax viloyati hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Табиий офатлар оқибатида аҳолига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 747-сон қарори ҳамда 2022 йил 19 майдаги “Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани ҳамда Жиззах вилоятининг Фориш, Зомин ва Ғаллаорол туманларида кучли ёғингарчилик ва дўл ёғиши оқибатларини бартараф этиш, зарар кўрган аҳоли пунктлари, ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда тиклаш ишларини тезкор амалга ошириш тўғрисида”ги 243-Ғ-сонли фармойишига ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан Фориш тумани “Эгизбулоқ” ҚФЙда сел тошқини натижасида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида:**

1. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (А.Раҳматуллаев)га вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан Фориш тумани “Эгизбулоқ” ҚФЙда сел тошқини натижасида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва тан жароҳати олган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун иловага мувофиқ 864,0 млн. сўм маблағни вилоят ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқарувчиси (А.Абдувахобов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси юклатилсин.

3. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров)га ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатиш

вазифаси топширилсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев

Jizzax viloyat hokimining  
2022 yil 19 maydagi  
160-3-0-F/22-son farmoyishiga  
1-ilova

**Фориш тумани “Эгизбулоқ” ҚФЙда сел тошқини натижасида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва тан жароҳати олган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатлар сметаси**

минг сўм

№	Харажат номи	Нафар	Моддий ёрдам миқдори (БХМга нисбатан)	Маблағ миқдори
1	Вафот этганларга	5	270x500	675 000,0
2	Ўртача тан жароҳати олганларга	2	270x150	81 000,0
3	Енгил тан жароҳати олганларга	4	270x100	108 000,0
<b>Жами</b>		<b>11</b>	<b>х</b>	<b>864 000,0</b>